

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси



К.Р.Имомов

“ 18 ” 07 2022 йил

Пешку туман Янгиобод МФЙ Урганжиобод кишлоги ички йулларини асфалт килиш ишлари

№	Маъдумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Пешку туман Янгиобод МФЙ Урганжиобод кишлоги ички йулларини асфалт килиш ишлари
2	Буюртмачи	Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси
3	Алохида талаблар	Ишлар сифатли ва сифат сертификатига эга булиши шарт.Бошка талаблар элон etender.uzex.uz порталида жойлаштирилади.

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Пешку туман Ободонлаштириш
бошқармаси



К.Р.Имомов

2022 йил



Пешку туман Янгиобод МФЙ Урганжиобод кишлоги ички йулларини асфалт
килиш ишлари

объекти бўйича:

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ

**ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ
ЧИҚДИ**

"Пешку туман Ободонлаштириш
бошқармаси."

2022 йил

МУНДАРИЖА**НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**

(Танлаш иштирокчиларига тақдим этилмайди)

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**УМУМИЙ ҚИСМ**

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
СХЕМАСИ

ТЕХНИК ҚИСМ

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

ТИЖОРАТ ҚИСМ

БУЮРТМАЧИНИНГ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ

ХИЗМАТ КУРСАТИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

БАРЧА ХИЗМАТ КУРСАТУЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси
(Буюртмачи ташкилот номи)

Энг яхши таклифни ТАНЛАШ учун эълон қилади

Пешку туман Янгиобод МФЙ Урганжиобод кишлоғи ички йулларини асфалт қилиш ишлари

177 500 000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –20 календарь кун.

Буюртмачи: Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси

• , Тел (98) 274 77 66.

Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

- ◆ Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни
- ◆ бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш таклифлари қўйилган баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари қўйилган ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайидан олишлари мумкин

- ◆ .
- ◆ Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича etender.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
 - ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси:

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Пешку туман Янгиобод МФЙ Урганжиобод кишлоги ички йулларини асфалт килиш ишлари
(буюртмачи номи ва объект номи)

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва куйидаги объект буйича танлаш таклифини такдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: **Пешку туман Янгиобод МФЙ Урганжиобод кишлоги ички йулларини асфалт килиш ишлари**

Хизмат курсатиш бошлангич нархи— 177 500 000 **сўм.** (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати —20 календарь кун.

Буюртмачи: Пешку туман Ободонлаштириш бошкармаси,

Молиялаштириш манбаси: : Бюджет маблағлари ҳисобидан.

Таклиф этилган шартлар буйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга куйидаги талаблар кўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга кодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни такдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир объект буйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект буйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш ҳужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси объектнинг таъмирлаш ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топириш танлаш иштирокчисининг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан etender.uzex.uz махсус ахборот портали орқали куриб чиқилади ўтади.

Пешку туман Ободонлаштириш бошқармаси:



ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлаш эълон қилади.

1.2. Танлашнинг тури – очик танлаш, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш ҳужжатларининг иловада кўрсатилган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Қурилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, қурилиш материаллари, ёнилғи, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлаш иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди.

II. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги №ЎРҚ 684-сонли қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3953-сонли қарорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар қўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати.

2-шакл. Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.

3-шакл. Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлаш иштирокчисининг иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари.

5-шакл. Банк кафиллиги.

6-шакл. Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик иш тажрибаси.

7-шакл. Танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

8-шакл. Танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

9-шакл. Қурилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

1-илова. Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект хизмат курсатишнинг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шаклантирувчи компонентларнинг нархлари.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илова асосида) жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

Изоҳ: *Таъминлашнинг хусусиятига қараб техникавий қисм таркибига ТАЖга биноан бошқа ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.*

2.4. Тижорат қисми:

қурилишнинг бошланғич нархи;

қурилишнинг муддати;

молиялаштириш маъноси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур таъмирлаш ишлари бўйича танлашда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш мақсадида мурожаат маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлаш иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлаш иштирокчиси танлашда иштирок этиш учун танлаш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан танлаш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлаш ташкилотчиси ва танлаш комиссияси танлаш натижаларидан катъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлаш иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

IV. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вақтда, танлаш ташкилотчиси киритилган ўзгартиришлар ҳақида танлашда иштирок этиш истагини билдирган танлаш иштирокчиларига билдиришномалар юборди.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида танлаш иштирокчиси ёзма равишда танлаш ташкилотчисига танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш мақсадида мурожаат қилишга ҳақли.

4.3. Танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчисининг сўрови бўйича танлаш ҳужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлиқ сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашда иштирок этиш истагини билдирган танлаш иштирокчиларига жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, танлаш ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки танлаш иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилганлигидан қатъий назар "Танлаш иштирокчиларига хабарнома" кўринишда расмийлаштирилади ва танлаш ҳужжатларига қўшимча бўлиб қолади. Шу кўринишда расмийлаштирилмаган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари ноқонуний киритган ўзгартириш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайди.

4.5. Танлаш иштирокчилари хабарномани олгач унинг илова қилинган нусхасига имзо чекиб, дарҳол уни ташкилотчига қайтаришлари керак.

4.6. Танлаш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътироз учун асос бўла олмайди.

4.7. Танлаш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вақт такдим этиш мақсадида ташкилотчи танлаш комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII бобига мувофиқ таклифлар такдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда танлаш иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада таклифлар такдим этиш муддатини янги охирига санаси белгиланади.

V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлаш иштирокчилари танлаш ва таъмирлаш ишлари ҳужжатларини ўрганиб чиқишлари керак, танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш ҳужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график қисмини буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси томонидан такдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси таъмирлаш ҳужжатларини танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ такдим этишга мажбур.

5.2. Танлаш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг қийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг юқоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, таъмирлаш тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

VI. ТАНЛАШ ТАКЛИФНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танлашга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлаш иштирокчиси томонидан тайёрланган танлаш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифини мазкур танлаш ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва танлаш ҳужжатларининг бошқа қисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлаш иштирокчиси танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлаш иштирокчиси ўз танлаш таклифининг таркибида фақат тўғри маълумотларни такдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Танлаш таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, иккита - биринчи ва иккинчи йиғма жилддан иборат. Биринчи йиғма жилдга кирувчи ҳужжатларда танлаш таклифи қийматига оид ҳеч қандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар фақат иккинчи йиғма жилд ҳужжатларида бўлиши керак.

7.2. Биринчи йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:

7.2.1. ТАЖда кўрсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш топшириқномасининг нусхасини такдим қилиш йўли билан танлашда иштирок этиш буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати объект бошланғич нархининг 0,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал қилиш муддати ТАЖда кўрсатилган.

7.2.2. Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлаш иштирокчиси томонидан мустақил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стаж ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини такдим этишга мажбур.

7.2.3. Танлаш иштирокчисининг охириги уч йилдаги молиявий ахволи (3-шакл). Шаклга Танлаш иштирокчиси аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 20%гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади.)

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг охириги ҳисобот даври асосида молиявий кўрсаткичлари тўлдирилиб тегишли солиқ органлари томонидан тасдиқланади.

7.2.5. Танлаш предметига ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси (5-шакл). Ушбу жадвалда танлаш иштирокчиси танлаш предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар танлаш иштирокчиси ёрдамчи лудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

7.2.6. Танлаш иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (6-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда танлаш иштирокчиси таъмирлаш ишларининг бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.8. Талабгорнинг танлаш ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (7-шакл).

7.2.9. Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (8-шакл).

7.2.7. Танлаш иштирокчисига берилган, ҳужжатларга имзо чекиш ва танлашда катнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома (9-шакл). Танлаш иштирокчисининг биринчи шахси (раҳбари) ҳозир бўлганда ушбу шакл тўлдирилмайди.

7.2.8. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларининг нусхалари.

7.2.9. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа ҳужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.10. Юқорида сўралган шакллар ва ҳужжатларга танлаш иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши керак.

7.3. 2-йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:

7.3.1. Хизмат курсатиш ишларин бажаришга буюртма (1-илова).

7.3.2. Объектнинг хизмат курсатиш ишларини бажариш графиги (2-илова).

7.3.3. Объект хизмат курсатиш молиялаштириш графиги (3-илова).

7.3.4. Объект хизмат курсатишнинг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган:

- жамланма жадвал;

- объектда бажариладиган иш ҳажмлари жадвали;

- объектда ишлатиладиган қурилиш материаллари (материаллар таснифи ва миқдори билан) рўйхатлари жадвали (4-илова).

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини танлаш иштирокчиси ўз таклифида ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари нархини ресурсларни акс эттирмасдан тақдим қилади.

Қурилиш материаллари бўйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга қаранг.

7.4. Буюртмачи танлашда катнашиш буюртмаси таъминотини қуйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.4.1. Танлаш ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошқа иштирокчиларга - танлаш ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини қайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташқари, қайтариш асоси вужудга келган вақтдан эътиборан 10 (ўн) кун муддат мобайнида амалга оширилади.

7.6. Танлашда иштирок этишга буюртма таъминоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишнинг охириги куни ва вақти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, тендер таклифининг амал қилиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган офертанга;

7.6.2. Танлаш ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда ёки танлаш ҳужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака танлаши орқали танлаш ўтказилганда биринчи йиғма жилд ҳужжатлари малакавий ҳужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд ҳужжатлари эса танлаш таклифи деб ҳисобланади.

VIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг қиймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар танлаш иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Танлаш иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниқлашда оралик суммалар жамланади. Танлаш иштирокчилар пудрат ишлари танлашда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган қийматини, қурилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри қиймати сифатида бошқа харажатлар ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС)ни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Қурилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри қийматига доимий коэффицент сифатида қўлланиладиган бошқа харажатлар қийматини танлаш иштирокчиси мустақил равишда белгилайди ва ишлар қийматига

кирилади. Бунда, танлаш иштирокчиси ташкилотлар таклиф этаётган нархни ҳисоблашда 1 ва 4-иловалар талабларига амал қилиши шарт.

8.2. Танлаш иштирокчиси объект қурилиши (реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш)нинг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган қурилиш материалларининг нархлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда қурилиш материаллари турини танлаш ҳужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс кайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустақил танлаш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аниқ объект асосий қурилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект кийматининг 100 % ини (лойиҳада кўзда тутилган) ташкил этувчи қурилиш материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Танлаш иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарх ва ракам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг киймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.6. Танлашда белгиланган қурилишнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буюртмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, қурилишнинг бир йилдан ортик давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

IX. ТАНЛАШ ТАКЛИФНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Танлаш таклифнинг амал қилиш даври танлаш таклифлари элон қўйилганидан кейин 10 кунгача қуриб чиқилади

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Танлаш иштирокчиси таклифни e tender.uzex.uz портали орқали амалга оширилади

XVII. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КўРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛАШ ҲОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

17.1. Молиявий таклифларни очиш ва баҳолаш танлаш комиссияси томонидан танлаш таклифларининг биринчи йиғма жилдларини тасдиқлаш ва уларни кўриб чиқиш натижалари эълон қилинганидан сўнг амалга оширилади.

17.2. Иккинчи йиғма жилдларни очилишига малака танлашидан муваффақиятли ўтган танлаш иштирокчиларига рухсат этилади.

17.3. Иккинчи йиғма жилдларни очилиши мазкур танлаш иштирокчилари йўриқномасининг XIV боби талабларига асосан амалга оширилади.

17.4. Танлаш комиссияси таклифларни бутлигини текширади, 2-йиғма жилд ҳужжатларини тўғри тўлдирилганлиги, имзолангани ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади.

17.5. Агар танлаш комиссияси томонидан 2-йиғма жилддаги таклиф ҳужжатларининг бирортасини танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда танлаш иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан танлашдан четлатилади.

17.6. Танлаш комиссияси таклифлари 17.5-банднинг талабларига зид бўлмаган танлаш иштирокчиларининг 1-иловада кўрсатиб ўтилган нархи ва ишларни яқунлаш муддатларини ўқиб эшиттиради.

17.7. Сўнгра таклифлар арифметик текширувдан ўтказилиб, таклиф таркибида келтирилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари билан танлаш ҳужжатлари таркибида келтирилган иш ҳажмларини солиштириш амалга оширилади ва танлаш таклифларига молиявий баҳо берилади.

17.8. Арифметик хатолар мазкур танлаш иштирокчилари йўриқномасининг 8.4 ва 8.5-бандларига биноан тузатилади.

17.9. Зарур бўлганда, танлаш комиссияси 2-йиғма жилд ҳужжатларида келтирилган маълумотларни, хусусан ҳисоб-китобларнинг иктисодий асосланганлиги, иш ҳажмлари танлаш ҳужжатларига жавоб бериши ва бошқа ҳолларни батафсил ўрганиш учун комиссия аъзолари ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гуруҳи тузиш ҳуқуқига эга.

17.10. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

17.11. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, танлаш иштирокчиларининг таклифлари куйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади:

XVIII. ТАНЛАШ ҲОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

18.1. Танлаш ғолибини эълон қилиш e tender.uzex.uz портали орқали амалга оширилади

XIX. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ, ОБЪЕКТ СУҒУРТАСИ

19.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳақидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Пудрат шартномаси, қурилиш пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан катъий назар қўшилган киймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга қаранг).

19.3. Агар танлаш ғолиби мазкур танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлаш комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлаш иштирокчисини танлаш ғолиби деб топиши ёки такрорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолибни розилигисиз, мазкур танлаш ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

19.5. Танлаш ғолиби қурилиш (реконструкция қилиш, калитал таъмирлаш) суғуртасини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлайди.

XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини яқунланишига учтадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижасида танлаш комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса:
- танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар танлаш предметининг бошланғич қийматидан ошиқ бўлса;
- танлаш комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлаш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (танлаш комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, танлаш иштирокчилар)ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар танлаш бўлиб ўтмаган деб топилса, такрорий танлаш ўтказилади. Бунда танлаш ҳужжатлари талабларини қайта кўришга рухсат этилади.

XXII. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

№	Бўлим номи	Бўлимга шартлар
1.	Буюртмачи:	
2.	Объект номи:	Пешку туман Янгиобод МФЙ Урганжиобод қишлоғи ички йулларини асфалт қилиш ишлари
3.	Танлаш тартиб рақами:	№
4.	Танлаш тури:	Очик танлаш.
5.	Танлаш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	https://etender.uzex.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
6.	Танлашни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	
7.	Декларация шакли:	1-шакл ёки Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати объект бошланғич нархининг 0,5% ташкил қилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатини олган кунидан бошлаб 1 ой амал қилиш муддати
8.	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	https://etender.uzex.uz махсус ахборот порталида эълон қилинади.
9.	Танлашда иштирок этишга қуйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур қурувчи-муҳандисларга ва ўқиниш объектлар қурилишида бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этишлари. Қайта ташкил этилиш (булиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулкни мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
10.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	
11.		
12.	Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Офёрталарни тақдим этишнинг охириги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар.
13.	Танлаш ҳужжатининг тили:	Ўзбек
14.	Танлаш таклифининг амал қилиш муддати:	Танлаш таклифлари очилгандан кейин 20 кундан кам бўлмаган муддат.

15.	Танлаш предметининг объектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	6-шаклига асосан "Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати".
16.	Танлашда иштирок этиш учун талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори.	Талаб қилинадиган айланма маблағлари миқдори 20 фоиз миқдорда.
20.	Танлаш таклифларини баҳолаш муддати:	Таклифлар бериш тугатанидан кейин 10 кун ичида
21.	Танлаш иштирокчиларининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган танлаш иштирокчилари:	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган малакали шахслар.
22.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ККС билан 177 500 000 сум.
23.	Буюртмачи томонидан белгиланган қурилиш муддати	20 календарь кун.
24.	Молиялаштириш манбаси:	Бюджет маблағлари
25.	Таъмирлашни молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги қийматининг 30 % аванс (бўнак Охириги тўлов - 70% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугатанидан сўнг.
26.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
27.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда